

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИГА  
ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИ ҲАМДА ГЛОБАЛ  
ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР**

**Қандов Баходир Мирзаевич,  
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш  
муҳандислари институти кагта ўқитувчиси**

**АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақолада глобал экология муаммоларни ҳал этиш борасида Республикамизда амалга оширилаётган ислохотлар, бу аслида инсоннинг соғ-саломат ўсиши учун зарур омил эканлиги илмий асослаб берилган. Шунингдек, Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви ҳамда глобал экологик муаммолар тадқиқ қилинади.

**Калит сўзлар:** глобаллашув, инсон ҳуқуқлари, интеграция, экология, глобал экология муаммолар, ижтимоий-табиий муҳит, оммавий ахборот воситалари, Орол денгизи, демография, миграция, жаҳон ҳамжамияти.

**ИНТЕГРАЦИЯ УЗБЕКИСТАНА В МИРОВОЕ СООБЩЕСТВО И  
ГЛОБАЛЬНЫЕ ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ**

**Кандов Баходир Мирзаевич,  
старший преподаватель Ташкентский институт инженеров  
ирригации и механизации сельского хозяйства**

**АННОТАЦИЯ**

В данной статье рассматриваются текущие реформы в Республике Узбекистан для решения глобальных экологических проблем это научно обосновано, что это действительно необходимый фактор для здоровья человека. Также интеграция Узбекистана в мировое сообщество в области прав и свобод человека и изучение глобальных экологических проблем.


**Ключевые слова:** глобализация, права человека, интеграция, экология, глобальные экологические проблемы, социоприродная среда, средства массовой информации, Аральское море, демография, миграция, мировое сообщество.

**INTEGRATION OF UZBEKISTAN IN THE WORLD COMMUNITY AND  
GLOBAL ENVIRONMENTAL PROBLEMS**

**Qandov Bakhodir,  
Senior teacher of the Tashkent Institute of  
Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers**

**ANNOTATION**

This article discusses the current reforms in the Republic of Uzbekistan to address




global environmental problems and it is scientifically based that it is a really necessary factor for human health. Also, the integration of Uzbekistan into the world community in the field of human rights and freedoms and the study of global environmental problems.

**Keywords:** globalization, human rights, integration, ecology, global environmental problems, socio-natural environment, mass media, Aral Sea, demography, migration, world community.

Инсоннинг яшаши, сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқларини амалга ошириши ён-атрофга, табиатга, экологияга боғлиқдир. Инсон ўз эҳтиёжларини табиат орқали қондиради, табиатни ўзлаштириш жараёнида олган неъматлардан ўзига зарур бўлган воситалар, бойликлар ва қулайликлар яратади. Бироқ бу ўзлаштириш жараёнлари глобал аҳамиятга эга экология муаммоларини ҳам юзага келтирдики, энди инсон ҳаётининг ўзи, унинг яшаш ҳуқуқи катта хавф остидадир. Экология муаммоларини ҳал этмай, бу борадаги энг оғир нуқталарни, йўналишларни аниқламай ва зудлик билан чора тадбирлар кўрмай инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳақида гапириб бўлмайди. Зарур ижтимоий - табиий муҳитни яратмай, уни соғломлаштирмай инсоннинг яшаш ҳуқуқи тўғрисидаги барча фикрлар бенаф субъективизм бўлиб қолаверади.


Инсонга нисбатан баъзан “инсон табиати” тушунчаси ишлатилади. Бу ўринда аслида инсонда табиий тарзда акс этадиган белгилар, сифатлар назарда тутилади. “Инсон табиати” деган тушунча, ибора Платон давридан бери мавжуд, бироқ инсоннинг табиатга кейинги тўрт аср ичида бўлган муносабати ўзгарди. Инсонга табиатни ўзлаштирувчи ҳатто уни ўзига итоат эттирувчи ижтимоий шахс сифатида қараш шаклланди. Инсоннинг табиатга тааллуқли экани эмас, балки унинг қандай фойда, наф, бойлик олгани қадрланадиган, натижада, Э. Фромм ибораси билан айтганда, “инсон ўзини инсон эканини унутадиган бўлди”[1, Б.154]. Бу ўринда файласуф илмий-техника тараққиётининг инсон табиатига, характерига, фаолиятига акс таъсир этганини назарда тутмоқда. Шунинг учун у инсон табиатини англаш бугун ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир, деган хулосага келади[1, Б.154]. Шу тариқа экологик этика, яъни инсоннинг табиатига ён-атрофга, табиатга муносабатини ахлоқий меъёрлар нуқтаи назаридан ўлчаш, баҳолаш пайдо бўлди. Ҳатто Юджии Харгроу “Экологик этика” деган журнал ҳам нашр эттирди ва унда Аристотелдан тортиб то Роулзгача бўлган инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар, замонавий технология масалалари, ген инженерияси, органлар трансплантацияси, оммавий ахборот воситалари ва глобал маркетингнинг ижтимоий ҳаётга таъсирига оид мақолалар чоп этилган. Улар “экологик этикани амалий фалсафанинг бир кўриниши сифатида тушунишга олиб келди”[2, Б.308-310]. Энг муҳими шундаки, Ғарбда юзага келган экологик этика ғарбона яшаш усули, илмий-техника ютуқларига сиғиниш, шахсни худо даражасида улуғлаш, табиат устидан ҳукмронлик қилувчи куч (“Сверхчеловек” Фр. Ницше) сифатида тасвирлаш хавфли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини, энди Шарқ анъаналарига мурожаат этиб, улардаги табиат билан инсон уйғунлиги



ҳақидаги қарашларни ўрганиш зарурлигини асослади[2, Б.316-317]. Ҳақиқатан ҳам эр. аввалги VIII-VII асрларда яшаган жайнистлар, кейинчалик буддавийлар одамни ўлдирмаслик, ён-атрофга зарар етказмаслик, ҳатто дарахтни, тошни ҳам жони бор деб билганлар. Уларнинг назарида нафақат одам, бутун борлиқ жонли мавжудотларга тўла, ҳатто ҳаво ҳам ана шундай кўзга кўринмайдиган жониворлар (ҳозирги ибора билан айтганда- микроблар)дан иборат. Уларга озор бермаслик, уларни ўлдирмаслик керак, шунинг учун жайнистлар кишиларни оғзига доқа ўраб, оёқ остини супириб қадам ташлашга даъват этганлар[3, Б.277]. Шунга яқин фикрлар, қарашлар “Авесто”да ҳам мавжуддир. Умуман табиат билан инсоннинг гармоник уйғунлиги, барча жонзодлар ҳаётининг бирлиги, умумийлиги, яхлитлиги ва бирдек қадрланиши ғояси Ғарбни цивилизацияга, айниқса инсоннинг табиатга, экологияга муносабатини қайтадан кўриб чиқишга ундади. Артур Шопенгауэрнинг радикал квиетизмидан тортиб Альберт Швейцарнинг “ҳаётни эъзозлаш” принципигача этиканинг доирасини кенгайтиришга, яъни этикани барча тирик мавжудотларга қўллашга олиб келди[4, Б.320-321], бу аслида инсониятнинг глобал экологик инқирозларга рўпара келиб, уларни ечишга интилиши эди.

Ерда ҳаётнинг узлуксизлигини, доимийлигини таъминлаб турувчи табиий планетар айланма жараёнлар содир бўлиб туради. Шунинг учун деб кўрсатади фалсафа фанлари доктори, профессор Э.С. Ҳошимова, “Ҳаётнинг узлуксизлиги, доимийлиги биотик айланиш тарзида мавжуддир. Мана шу жараён туфайлигина ҳаёт доимийлиги сақланиб туради, унда бир ҳаётий жараён иккинчиси билан боғланиб боради. Биотик айланишда биосферани ташкил этувчи ҳамма компонентларнинг ўзаро муносабати ўз аксини топади” [5, Б.15]. Масалан, «материя айланиши жараёни циркуляция ва рециркуляция принципи асосида ўтади. Дунё масштабида ҳаётнинг асосий хусусиятларидан бири табиатда азот, фосфорнинг доимий айланишидир. Қуёш нури таъсири биосфера иссиқлик режимини ва унга мос бўлган атмосфера ва гидросферанинг глобал циркуляцисини аниқлайди. Табиатда модда ва энергия айланиши туфайли биосфера компонентларининг ўзаро узвий боғлиқлиги ва бир-бирига таъсири содир бўлади, табиатнинг қаршилик кўрсатиш, турғунлик ва ўзини ўзи тиклаш қобилияти сақланади. Ўзини ўзи тиклаш жараёнида ерда ҳамма тирик мавжудотларнинг нисбий мувозанати таъминланади ва нормал биофизик шароит юзага келади»[5, Б.16]. Ушбу биотик айланишнинг, ўзини ўзи тиклаш жараёни ва тирик мавжудотлар нисбий мувозанатининг бузилиши экологияга салбий таъсир этади, натижада экологик инқирозлар юзага келади.

Инсон маълум бир табиий муҳитда яшай олади. Унинг тўлақонли яшаши ва фаолият кўрсатиши учун тана температураси  $42^{\circ}$  дан юқори,  $25^{\circ}$ дан паст бўлмаслиги зарур[5, Б.18]. Худди шундай тарзда ҳавонинг юқори температураси  $+60^{\circ}$ дан ошмаслиги,  $-40^{\circ}$ дан пастга тушмаслиги керак. Мутахассислар, агар ишлаб чиқариш ва тараққиёт шу тарзда кетса, икки- икки ярим аср ичида ҳаво ҳарорати деярли икки баробарга ошади ва ер юзида нафақат инсон, ҳатто микробларнинг яшашига ҳам имкон қолмайди[6, Б.4], деб кўрсатмоқдалар. Шу




билан бирга улар вазиятни рационал бошқариш учун умумсайёравий миқёсда экологик сиёсатни ишлаб чиқиш концепциясини илгари сурадилар. Масалан, файласуф Э.М.Усмоновнинг фикрига кўра, Марказий Осиёдаги экологик сиёсатни шакллантириш учун: 1) минтақадаги экологик вазият ҳақида статистик манбаларни йиғиш, ахборотларни, объектив информациялар банкини тузиш; 2) халқларимизнинг экологияга оид анъаналарини ва атроф-муҳитни асрашни англашидан келиб чиқиш; 3) экология соҳасидаги ҳамкорликнинг самарадорлигини ошириш учун альтернатив лойиҳалар ишлаб чиқиш; 4) экологик сиёсатнинг тор миллий манфаатлар нуқтаи назаридан моделлаштиришдан озод бўлиш керак [7, Б.28], Минг афсуски, муаллиф глобал экологик инқирозларни ҳал этиш энг аввало экологик ҳуқуқ билан боғлиқлигини, ушбу ҳуқуқгина давлатлараро экологик интеграцияни таъминлаши мумкинлигини эсга олмайди. Бизнинг фикримизча, глобал экологик инқирозларни фақат глобал экологик ҳуқуқ воситасидагина ҳал этиш кутилган самара беради. Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат кураётган экан кишиларнинг ён-атрофга, табиатга муносабатлари, ишлаб чиқариш жараёнида табиатдан фойдаланиши ҳам ҳуқуқий тартибга солиниши даркор. Айнан шу нуқтада инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари билан экологик ҳуқуқ уйғунлашади, экологик ҳуқуқ фақат табиатни асраш эмас, балки инсонларнинг табиат-неъматларидан фойдаланиш, табиатни ўзлаштириш ҳуқуқи ҳамдир.

Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ экологик ҳуқуқ кишиларнинг табиат билан муносабатлари жараёнида пайдо бўлади, улар давлат томонидан ўрнатилган меъёрлар, тартиблар доирасида олиб борилади. Бу ўринда кишиларнинг табиатга, табиий ресурсларга алоқаси, улардан фойдаланиш хусусиятлари майдонга чиқади. Демак, табиат, табиий ресурслар кишиларнинг хусусий мулки эмас, агар улар ушбу ресурслардан фойдаланмоқчи бўлса, ушбу ресурсларнинг эгаси билан маълум бир ҳуқуқий муносабатларга киришадилар.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 214-моддасига мувофиқ ер, ер ости бойликлар, сув, ҳаво ҳавзаси бўшлиғи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси давлат-оммавий мулки ҳисобланади. Бироқ бу шахсининг, инсоннинг иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишга халақит бера олмайди. Худди шу ўринда давлат мулки билан хусусий мулк муаммолари пайдо бўлади.

Маълумки, мулкчилик ҳуқуқида экологик ва иқтисодий белгилар, яъни табиатнинг инсон томонидан ўзлаштирилиши ўзаро боғлиқ воқеликлар сифатида қаралади. Табиат, ер бир пайтда кўчмас мулк, бошқа пайтда бизни ўраб турган табиий муҳитнинг таркибий қисми ҳисобланади. Шу тарзда табиатда бир вақтда экологик ва табиий белгилар уйғунлашиб келади, бу эса объектга, табиий ресурсларга ҳуқуқий нуқтаи назардан алоҳида ёндашишни тақозо этади. Улар атроф муҳитнинг таркибий қисми бўлсалар-да, ўзларининг объектив сифатларига кўра ўзлаштириш ёки мулкка айлантириш ашёси бўла олмайдилар, табиий заҳиралар “моддийлаштирилмасдан” қолдириладилар. Масалан, атмосфера ҳавоси, иқлимий заҳиралар ва шунга ўхшаган табиат кўринишларини мулкка айлантириб бўлмайди. Уларнинг баъзиларидан, масалан, атмосфера ҳавосидан давлатнинг ташқи чегараларини, унинг юрисдикция (суд қилиш ҳуқуқи)си амалга



ошириладиган ҳудудни белгилаш мақсадида фойдаланиш мумкин. Шунинг учун ҳам “�збекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”ги қонуннинг 19-моддасида мулк ҳуқуқининг объекти сифатида бевосита атмосфера ҳавоси эмас, балки ҳаво ҳавзаси белгиланган”[8, Б.56]. Демак, табиий ресурсларнинг, захираларнинг ҳаммаси ҳам хусусий мулк бўлавермайди.

Экологик муаммоларнинг бош сабабчиси инсон, унинг ўз эҳтиёжларини устун қўйишидир. Илмий-назарий адабиётларда “антропоген ўзгарган муҳит” деган тушунча ишлатилади. “Антропоген (грекча anthropos- киши) ўзгарган муҳит – кишиларнинг хўжалик фаолияти жараёнида маълум бир ҳудуд ёки теграларда тубдан ўзгарган атроф табиий муҳит”[8, Б.269]дир. Бундай муҳитнинг юзага келиши ишлаб чиқаришнинг ўсиши, хусусий мулкни оширишга ўчлик, илмий-техник кашфиётлардан манфаат, бойлик, мулк орттиришда фойдаланишнинг авж олиши билан боғлиқдир. Натижада табиий борлиқни нафақат ўзлаштириб бойлик орттириш, шу билан бирга атроф - муҳитни ифлослантириш глобал ҳодисага айланди. Бугун глобал экологик муаммоларни ўрганган деярли барча олимлар ён - атрофни ифлослантириш, натижада инсон саломатлигига, генофондга салбий таъсир этувчи омиллар юзага келганини қайд этадилар. Масалан, атмосфера ҳавоси антропоген ўзгарган табиий ҳудудларда бошқа кам таъсирланган атроф табиий муҳитга нисбатан 10-15 баробар кўпроқ ифлосланган бўлади. Саноат теграларида ҳаво таркибида захарли ис газининг (СО<sub>2</sub>)нинг кўпайиши асосан металлургия (30-40%) ва химия саноати (15-20%), транспорт (10-15%) таъсирида юзага келса, шаҳарларда эса ис газининг асосан транспорт (60-80%), оғир саноат (15-20%), химия саноати (5-10%) таъсирида юзага келади. Аграр теграларда тупроқларнинг морфологик (кўзга ташланадиган ташқи) кўриниши 1-1,5 метр чуқурликгача тубдан ўзгарган ва янги тур ҳосил қилган бўлади. Уларда тупроқ ифлосланиши пестицид, гербицид, азот, фосфор, турли тузлар, шаҳарларда – маиший ахлат, саноат теграларида саноат чиқиндилари ҳисобига амалга ошади. Саноат тегралари тоифасига кирувчи атом электростанциялари атрофидаги сув, тупроқ ва атмосфера ҳавосида радиоактив элементлар миқдори шаҳарларга нисбатан бир неча ўн баробар кўп бўлади, лекин ис газининг миқдори электростанция атрофида аграр теграларга тенглашган, шаҳарларга нисбатан эса бир неча ўнлаб баробар кам бўлади[8, Б.270]. Шунинг учун ўзбек эколог – олимлари “шаҳарларнинг катта –кичиклиги, ифлосланганлик даражаси, иқлим шароитларига қараб киши бошига тўғри келадиган майдон юзасини 5-10 м<sup>2</sup> дан то 25-30 м<sup>2</sup> ошириш зарур деб ҳисоблайдилар[8, Б.271]. Бу тоза ҳаво билан таъминланган соғломлаштирилган ижтимоий - табиий муҳит яратишдаги бош талабдир.

БМТнинг берган маълумотларига кўра, Ер юзиде турли корпорациялар ва хусусий мулк эгалари томонидан илгари табиатда бўлмаган бир миллионга яқин истеъмол моллари ишлаб чиқарилмоқда. Улардан 100 мингга сунъий бирикмалардан иборат, 15 мингга эса токсик захарланган, инсон соғлиги учун ҳам, ён-атроф учун ҳам хавфлидир[9, Б.214]. Кейинги йилларда Ўзбекистонда ҳам истеъмол бозорига чиқарилаётган неъматларнинг, маҳсулотларнинг аксарияти




жаҳон стандартлари талабларига жавоб бермаслиги кузатилмоқда. Масалан, пойтахт бозорларида сотилаётган мева-сабзавотларнинг ярми санитария-гигиена талабларига жавоб бермаган ҳолда уларнинг учдан бири деярли истеъмолга ва сотиш қоидаларига зиддир. Ишлаб чиқарилаётган гўшт, ёғ, пишлоқ маҳсулотларининг 12-15%, ширинликларнинг 20-22% талаблар даражасида эмас[10]. Натижада аҳоли орасида нафас олиш, эндокрин, юрак-қон томир, жигар касалликлари, камқонлик, заиф болаларнинг туғилиши, рак, гинекология, юрак хасталиги, суяк мўртлиги шахарларда 2-3 маротаба ошган. Қишлоқ жойларида 14 ёшгача бўлган болаларда камқонлик, сил касаллиги, сурункали заҳарланиш ҳоллари кузатилади[11, Б.48-49]. Умуман сунъий моддалардан хом-ашёлар, озиқ-овқатлар, ичимликлар тайёрлаш глобал муаммолардан бирига айланган. Ҳозир дунёда бмлн.га яқин синтез қилинган кимёвий моддалар ишлатилмоқда. Улар сафига ҳар йили 200 минг янги синтезли моддалар қўшилмоқда. Минг афсуски, ушбу моддаларнинг кўпи тирик организмга, инсон саломатлигига таъсири аниқланмаган[5, Б.53].

Мустақиллик йилларида табиатдан оқилона фойдаланиш, ён-атрофни, ижтимоий-табиий муҳитни соғломлаштириш бўйича Республикамизда кенг кўламда ишлар амалга оширилди, Орол денгизи ва демография, миграция муаммоларини махсус ўрганиш марказлари, нодавлат ташкилотлари ташкил этилди, экология ҳуқуқига оид 40 дан зиёд қонунлар қабул қилинди. Бу ўринда “ЭКОСАН” Халқаро жамғармаси, Марказий Осиё давлатларининг “Оролни қутқариш” жамғармаларини мисол қилиб келтириш мумкин.

“ЭКОСАН” экология ва соғломлаштириш масалалари билан шуғулланувчи, халқаро ташкилотларни экология муаммоларини тадқиқ этиш ва амалий ҳал қилишга жалб қилувчи нодавлат ташкилотдир. Унинг концепциясига мувофиқ “экология ва санология сиёсат, фан, маданият, медицина соҳаларининг асосий кўрсаткичи сифатида қарашдир”[12, Б.198]. Шу нуқтаи назардан у Марказий Осиёда биосферанинг яхлитлиги нуқтаи назаридан келиб чиқиб минтақада рационал бошқариш мумкин бўлган, ижтимоий-табиий муҳитни соғломлаштиришга, собиқ СССР давридан қолган инқирозли ҳолларни бартараф этишга қаратилган экологик-иқтисодий тизимни яратишни илгари суради. Шу билан бирга минтақада умумий экологик ҳуқуқ тизимини шакллантириш, бу борада халқаро экологик ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига оид БМТ ҳужжатларига таяниш зарурияти келиб чиқади. Ўсиб бораётган иқтисодий, моддий эҳтиёжларни инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини бузмаган ҳолда экологик ҳуқуқ талабларига мувофиқ қондириш бир қатор муаммоларни келтириб чиқаради. Улар қуйидаги вазифаларни кун тартибига қўяди:

1. Ижтимоий – табиий муҳитни соғломлаштиришда инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини, унинг иқтисодий фаоллигини, моддий неъматлардан тўла баҳраманд бўлиш истакларини бузмасликни таъминлаш. Ижтимоий-табиий муҳитни соғломлаштириш хусусий мулкни, тадбиркорлик орқали янги ишлаб чиқариш усулларини яратишни, янги-янги корхоналар очиш, ерларни ўзлаштириш, неъматларни яратишни инкор қилмаслиги керак. Шу билан бирга бозор иқтисодиёти, тад-



биркорлик ва ишбилармонлик экологик тизимни бузишга, инсоннинг соғлигига зарар етказувчи меҳнат фаолияти билан шуғулланишга олиб келмаслиги лозим.


2. Кишилар, аҳоли ишлаб чиқариш корхоналарини, уларнинг санитария-гигиена қоидаларига, халқаро ҳуқуқлар томонидан белгиланган нормаларга риоя қилишини ижтимоий назорат қилишлари керак. Қайси корхона, фирма, хўжалик субъекти нима ва қандай сифатли маҳсулот чиқараётгани мудом аҳоли назорати остида бўлмаса, тажриба кўрсатаядиги, кишилар соғлиги ҳисобига бойлик орттиришга интилувчи шахслар, гуруҳлар ўз ниятларига осонгина эришадилар. Кишилар тоза, соф ва нозарар маҳсулотларни сотиб олиш ва истеъмол қилиш ҳуқуқларига эга бўлганидек, ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи субъектлар фаолиятини кузатиб бориш ҳуқуқига ҳам эгадирлар.

3. Бугун экология муаммолари глобал аҳамият касб этган. Давлатлараро, минтақалараро иқтисодий интеграция ишлаб чиқарилган маҳсулотларни, товарларни, неъматларнинг тезда бутун дунёга тарқатмоқда. Эронда етиштирилаётган мандарин ёки Бразилияда ундирилган кофе узоғи билан уч-тўрт кун ичида Ўзбекистон бозорларида пайдо бўлмоқда. Бироқ ушбу неъматларнинг санитария-гигиена нормаларига мувофиқлиги ҳар доим ҳам текширилавермайди. Шунинг учун тайёр маҳсулотларнинг халқаро санитария – гигиена нормаларига мувофиқ келишини кузатиш, ўрганиш бўйича мониторинг институтларини ташкил қилиш лозим. Тўғри, Ўзбекистонда, Россиядагидек аҳолининг, айниқса болаларнинг оммавий заҳарланиш ҳоллари кузатилмайди, лекин четдан келтирилаётган аксари молларнинг, неъматларнинг сифати ҳам юқори эмас.

4. Яқин ўтмишда “ЭКОСАН” томонидан Марказий Осиёда “Тоза сув”, “Тоза ҳаво” дастурини амалга ошириш ғояси илгари сурилган эди. Бу борада “ЭКОСАН” халқаро ташкилотлар билан биргаликда Орол денгизи атрофларида санитария - маърифий тадбирлар уюштирган, халқ ҳашарларига бош- қош бўлган. Бизнинг фикримизча, шунга ўхшаш тадбирлар яна ўтказилиши, уларни бутун минтақада, ҳудудларда уюштириш даркор.

5. Табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан фойдаланишнинг умумминтақавий нормаларини ишлаб чиқиш, республикалардаги экологик ҳуқуқ меъёрларини бир-бирига ва халқаро экологик ҳуқуққа мослаштиришга эришиш керак. Экологик муаммолар глобал аҳамиятга эга эканини унутиб бўлмайди. Энг муҳими, ушбу меъёрлар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқаришга халақит бермайдиган, инсоннинг соғ ва бақувват ўсишига ғов бўлмайдиган, ижтимоий-табиий муҳитни, экологик мувозанатни, “биотик айланиш”ни бузмайдиган принципларга таяниши зарур.

Хуллас, бугун экология ва экологик инқирозлар глобал муаммо сифатида инсоннинг яшаш, эркин меҳнат қилиш ҳуқуқига хавф солаётган глобал воқелик бўлиб турибди. Ер юзидаги бирор давлат ушбу муаммодан четда қолаётгани йўқ. Шунинг учун халқаро экологик ҳуқуқни шакллантириш, унга оид халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, меъёрлар, нормалар ишлаб чиқиш энг муҳим вазифалардан биридир. Ҳозирги босқичда мавжуд халқаро ҳуқуқий меъёрларга амал қилишни таъминлаш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.



Инсониятнинг тақдирига бевосита алоқадор бўлган экологик муаммоларнинг глобаллашуви, шу фаолиятни назорат қилиш институтлари ўртасида ўзаро функционал боғланишларни оптималлаштиришга доир амалий тажрибаларини умумлаштириш, уларни замон талаблари асосида конструктив-рационал ташкиллаштириш ва бошқаришни эркинлаштириш ҳамда демократиялаштириш вазифаларини ҳал қилишга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Бу эса, унинг истиқболдаги мақсадларини, вазифаларини моделлаштиришни тақозо қилмоқда. Маҳаллий, миллий, ҳудудий ва глобал манфаатларни эътиборга олиш жаҳон ҳамжамиятининг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш, глобал даражада қулай экологик муҳитни вужудга келтиришнинг амалий вазифаларини бажариш билан характерланади.

### **Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:**

1. Фромм Э., Хирау Р. Предисловие к антологии “Природа человека” // Глобальные проблемы и общечеловеческие ценности. – Москва: Прогресс, 1990.
2. Калликотт Б. Азиатская традиция и перспективы экологической этики: пропевдика// Глобальные проблемы и общечеловеческие ценности. – Москва: Прогресс, 1990.
3. Радхакришнан С. Индийская философия. – Москва: Ин.лит-ра, 1956.
4. Глобальные проблемы и общечеловеческие ценности. – Москва: Прогресс, 1990.
5. Ҳошимова Э.С. Экология проблемасида глобал ва зонал муносабатлар диалектикаси. –Тошкент: Фан, 1986.
6. Умаров Б. Глобаллашув зиддиятлари. – Тошкент: Маънавият, 2006.
7. Усмонов Э.М. Социально-философские проблемы интеграции экологической политики государств Центральной Азии в современных условиях. Автореферат дисс... канд. филос. наук. - Т.: 2006.
8. Экология ҳуқуқи. – Тошкент: Адабиёт жамғармаси, 2001.
9. Социальные аспекты экологических проблем. – Москва: Наука, 1983.
10. Табобат. Газ. 2006 йил 18 сентябрь.
11. Шодиметов Ю. Ижтимоий экологияга кириш. - Тошкент: Ўқитувчи, 1994.
12. Шадиметов Ю. Демографические проблемы Центральной Азии и роль фонда «ЭКОСАН» // Материалы конференции Центральноазиатское сотрудничество. – Бишкек, 1995.